

FARG'ONA SUV TA'MINOTI
MAS'ULIYATI CHEKLANGAN
JAMIYATI

QO'SHTEPA
TUMAN BO'LI

№ 142

2022.10.26

151000, Kanal bo'yi ko'chasi 2-uy

Сув таъминоти ва оқава сув
объектлари қурилиши бўйича
инжиниринг компанияси" УК
Фаргона вилоят худудий
бошқармаси бошлиғи
Р.Холикназаровга

Техник шарт

Сизнинг 2022 йил 26 Октябр кунги 495 сонли хатингиз ва Ўзбекистон Республикаси президентининг 2022 йил 25 октябр кунги ПҚ-408 сонли қарорига асосан Қўштепа тумани Истиклол МФЙ Машал, Ободлик, Нуронийлар, Мунаввар, Мустақиллик, Дўстлик, Олтин Водий кўчаси ҳудудида яшовчи аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида қуйидаги техник шарт бажарилиши талаб этилади.

Ичимлик сув бўйича

Қўштепа тумани Истиклол МФЙ аҳолисини бир кунлик сув сарфи 450 м³ ҳисобланиб, уланиш нуқтаси.1 Истиклол МФЙ Мустақиллик кўчаси ҳудудида 1 дона тик ичимлик суви қудуғи қазилсин, 1 дона тик ичимлик сув қудуғини тозалаш, 2 дона замонавий электр тежамкор сув насоси ўрнатиш, лойиха қувватидан келиб чиқиб 2 дона ичимлик сув минораси ўрнатиш ва UZSUVTAMINOT логотипи тушуриш, 2 дона шит каскад ўрнатиш, лойиха ва гидравлик ҳисоб китобларига асосан узунлиги 10 км бўлган ичимлик сув қувури тортиш замонавий пайвандлаш дазмоли ёрдамида монтаж қилиш ишлари ШНК, КМК ҳамда СЭО ва ЖС талабларига мос равишда амалга оширилсин.

Ичимлик сув тармоқларини қурилиш-монтаж ишлари даврида бошқа муҳандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида, тегишли корхоналардан хулоса олиш кўзда тутилсин.

Лойиха-смета ҳужжатлари ишлаб чиқишда тажрибали лойиха институтларини жалб қилган ҳолда лойиха-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиш ва давлат экспертиза хулосалари олингандан сўнг, қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилсин. Тайёрланган лойиха-смета ҳужжатлари қурилиш-монтаж ишлари бошлангунига қадар Вилоят "Фаргона сув таъминоти" МЧЖ бош муҳандиси билан келишилсин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан, Буюртмачи томонидан тайёрланган ичимлик ва оқава сув объектлари лойиха-смета ҳужжатлари "Фаргона сув таъминоти" МЧЖ билан келишилиши белгиланган ва 1(бир) нусха лойиха смета ҳужжатлари берилиши шарт. Ақс ҳолда мазкур қурилиш-монтаж ишлари учун тайёрланган лойиха смета ҳужжатлари келишилмаган ҳисобланади ва мазкур объектлар "Фаргона сув таъминоти" МЧЖ томонидан қабул қилинмайди.

Барча қурилиш материаллари сифат сертификатига эга бўлиши шарт.

Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида ҳақиқий деб ҳисобланади.

Ушбу лойиха юзасидан Жаҳон банки дастурига таклиф киритилган.

"Фаргона сув таъминоти" МЧЖ
Қўштепа туман филиали бош муҳандиси:

Г.Тўхтасинов

"Фаргона сув таъминоти" МЧЖ
Қўштепа туман филиали ИЧБ муҳандиси:

Л.Холбоев

